

MChJ "OSIYO AUDIT" AT

Toshkent sh, Yunusobod tumani,
A.Temur 1-tor ko`chasi, 2-uy.
Telefon: +99 (871)236-11-60
e-mail: osiyo-audit@mail.ru
<http://www.osiyo-audit.uz>



ООО "OSIYO AUDIT" АО

г.Тошкент, Юнусабадский район,
ул. А.Темура, проезд-1 ,дом -2.
Телефон: +99 (871)236-11-60
e-mail: osiyo-audit@mail.ru
<http://www.osiyo-audit.uz>

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"Сирғали дехқон бозори" акциядорлик жамияти таъсисчиларига

Фикр

Бизнинг фикримизча, илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар "Сирғали дехқон бозори" акциядорлик жамияти (кейинги матнларда "Жамият")нинг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Аудит предмети

Биз "Сирғали дехқон бозори" акциядорлик жамиятининг қўйидагилардан иборат таркибдаги молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик:

- 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган "Молиявий натижалар тўғрисида"ги ҳисобот;
- 2022 йил 31 декабр ҳолатига "Бухгалтерия баланси";

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хulosанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ" Кодекси талаблари ва ахлоқий қоидаларига, шунингдек молиявий ҳисобот аудитига тегишли Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ахлоқ меъёrlарига мувофиқ жамиятдан мустақилмиз ва БХАСК кодексида белгиланган бошқа

Ташкилот: "Сирғали дехқон бозори"
акциядорлик жамияти "

Тошкент шаҳар Сирғали тумани Хокимияти
томонидан рўйхатга олинган.

1996 йил 28 майда берилган №336-к-сонли
Гувохнома. СТИР: 200 648 833

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Янги Сирғали
кўчаси, Сирғали-6 мавзесси.

Мустақил аудиторлик ташкилоти: МЧЖ АТ "OSIYO
AUDIT"Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан
рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатга
олинган.

1998 йил 11 августда берилган № 517 регистрация рақамли
Гувохнома.

Ўзбекистон Республикаси, Молия вазирлиги томонидан
2019 йил17апрелда берилган АФ № 00817 сонли Лицензия.

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий
Ассоциацияси атъоси.

мажбуриятларни бажарғанмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Жамият Раҳбарияти молиявий ҳисоботни БХМС га мувофиқ тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботлар тайёрланишини олдини олиш учун зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият жамият ўз фаолиятини узлуксиз давом эттира олиш имкониятини баҳолашга, зарур ҳолларда фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этишга, агарда раҳбарият томонидан жамият фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар.


Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар жамиятнинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулоасида акс эттириш. Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражасини белгилайди, лекин АХС ларига мувофиқ ўтказилган аудит мавжуд жиддий хатоларни аниқлашнинг мутлоқ кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва ушбу бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим хатолик ҳисобланади.

Аудитнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни кўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиласидан аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилиги, хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилигидан юқори, чунки фирибгар соҳталаштириш, қасдан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиши мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;



- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, жамиятнинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хulosса қиласиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хulosага келсак, аудит ҳисботида молиявий ҳисботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хulosamiz олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисбот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиласиз.

Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга аудитнинг мустақиллигига тегишли барча аҳлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа хужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хulosага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Исмайлов А.М.

Директор МЧЖ АТ "OSIYO AUDIT"

Қодиров И.Ж

Аудитор.



2023 йил 01 апрел

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент.

№39